

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№_____
201____ йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
201____ йил “___” _____ даги
___ - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

“Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили)”
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлашвамалакасиниошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШБОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малакаошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус,
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
201__ йил _____ даги _____ - сонли баённомаси билан
маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д.,
проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.

“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева,
п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини
кўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доц.
Д.Иргашева, кат. ўқит. В.Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия
Кенгашинингетакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Гиясова.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули:
с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д., проф. С.Абдурахимов, пс.ф.н.
Х.М.Алимов.

Маҳсус фанлар бўйича:

ф.ф.д. А.Г. Шереметьева, ф.ф.н., доц. Г.Эгамбердиева, ф.ф.н.,
доц. М.Н. Низамова,

Тақризчилар:

ф.ф.н., доц. Щитка Н.Н.

ф.ф.н., доц. Цой А.А.

Ўқув дастури ЎзМУ Илмий кенгашининг қарори билан тасдиқтавсия
қилинган (2015 йил _____ даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизидаилмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулартаълимсоҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

I.Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривоживатाълим–тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнингшахсий, касбий ахборотмайдонинилойиҳалаш.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар

- 6.1. Замонавий адабий жараён: муаммо ва шакллар.
- 6.2. Рус тили морфонологияси.
- 6.3. Рус тили ва адабиётини ўқитишда инновацион технологиялар.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснингмақсади вавазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

“Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- рус морфонологиясини тадқиқ қилиш тарихини, морфонологиянинг мақсад ва вазифаларини;
- морфонологиянинг асосий тушунчалари (морфонема, морфонологик позиция, кўшимча дистрибуция) ни;
- рус акцентологиясининг тадқиқ қилиш тарихини;
- морфонологик ҳолатлар (консонант ва вокал), тўлдиришлар, қисқартириш, акцент альтернацияларни *билиши керак*.

Тингловчи:

- позицион ва тарихий алмашинувни амалиётга татбиқ этиш;
- сўзнинг парчалананишининг асосий принципларидан амалиётда фойдаланиш;
- негизнинг бўлиниш даражасини кўллаш;
- тилнинг сўз ясаш воситалари таърифини (сўз ясаш турлари, парадигмалар, тизимлар ва уялар) келтириш;
- тилда морфонологик ва тарихий жараёнларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

Тингловчи:

- сўз ва шакл ясашдаги морфологик ҳодисаларни фарқлаш;
- сўз ясаш уядаги парадигматик ва синтагматик аспектларни таҳлил қилиш;
- морфонолик ҳодисалар билан алоқадор сўз ясаш турларини (тўлдириш, урғу бериш, алмашинувлар, қисқартиришлар) тасниф қилиш;

- турли нутқ қисмларини тузишда акцент эгриликларни аниқлашни, морфемаларни ўзгаришларни амалда кўллаш, кўникмаларига эга бўлиш лозим.

Тингловчи:

- замонавий адабиётни баҳолаш ва ривож топадиган қадриятларни белгилаш;
- славян морфологиясини тадқиқ қилиш;
- ўқитишнинг адантив тизимини ташкиллаштириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- адабий жараённи моделлаштириш малакаларни таҳлил қилиш;
- морфонологиянинг воситаларини амалиётда қўллаш;
- тилдаги морфологик тизим ва тарихий жараёнларни ўзаро нисбатини таҳлил қилиш;
- модулли ўқитиш технологияси билаш ишлаш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили)”
йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг
ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривоживатаълим–тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш– бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамиятривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишенланган маъruzаларида тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Конун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълиммуассасаларидамустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура

тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низомва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

II.Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларинингмоҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, табақалаштирилган ўқитиши ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

2.2.Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологоик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги,педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурӯхни оптималь бошқариш.Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), casestudy (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимдатъорлик, супервизорлик вамодераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиилар. CD-ROM, CD, DVD, HDDVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари хақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маъruzалар категориялари, муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очик курслар (Soursera, edX, Khanakademiyasi, MITOpen Course Ware).

3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнингшахсий, қасбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyorat.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг талабаларнинг электрон мурлоқот муҳитида жамоа

бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараённи лойихалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1.Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Евropa стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва қўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил қўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятларомулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо)ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услугуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

VI. Махсус фанлар

6.1. Замонавий адабий жараён: муаммо ва шакллар.

Замонавий адабий жараён. 1990-2010 йиллардаги адабий жараённинг асосий босқичлари. Адабий жараённикоммерциялаштириш муаммолари. Замонавий рус адабиётида муаллифлар орасидаги адабий гурӯхлар ва уюшмалар. Сўнгги ўн йилликдаги таниқли муаллифлар.

Замонавий рус постмодернизм. Замонавий адабиётдаги энг таниқли йўналишининг манбаи. Рус постмодернизмини намоён қилувчи машҳур муаллифлар. Постмодернизм. “Адабий бестселлер” тушунчаси. “Машҳур ёзувчи” феномени. Замонавий рус адабиёти ютуқлари соҳасидаги мукофотлар.

Замонавий рус прозаси. Асрлар оралиғидаги прозада футурологик моделлаштириш. Турли, асосан постмодерник ва реалистик, антиутопияларнинг пайдо бўлиши. Ёзувчилар ижодида дунёнинг ривожланишидаги номақбул ва хавфли тенденциялар.

Замонавий рус поэзияси. Асрлар оралиғидаги шеъриятда уч асосий мавзу: XX асрнинг ва мингийилликнинг натижаларига хulosा чиқариш, замонавий адабиётни баҳолаш, ривож топадиган қадриятларни тасдиқлаш.

Замонавий рус драматургияси. Рус постмодерник драматургияси(Л.Петрушевская, Н.Садур).Замонавий рус драматургиясининг “физиологик чизиги”(Н.Коляда, Д.Липскеров).«Театр.doc» ва унинг ҳосил қилиш шакллари(И. Вырыпаев, В.Сигарев ва бошқаларнинг ижоди).

Моноспектакллар (Е.Гришковец) ва замонавий рус комедияси (ака-ука Пресняковлар пьесалари).

6.2. Рус тили морфонологияси.

Морфонология илмий фан сифатида. Морфонология курсининг мақсади ва вазифалари.

Морфонология тарихи. Рус тили морфонологиясини тадқиқ қилиништариҳи. Адабий жараёнда И.А.Бодуэн де Куртенэ, Н.В.Крушевской, Н.С.Трубецкойларнинг ўрни.

Славян тилларморфонологиясини тадқиқ қилинишининг асосий йўналишлари. Структурализмнинг асосий йўналишлари. Прага лингвистик мактаби. Н.Е.Ананьева, Р.В.Бахтурина, С.В.Бромлей, Ж.Ж.Варбот, Д.Ворта, Н.Еськов, А.А.Зализняк, Е.А.Земской, В.В.Лопатин, Р.Якобсон Н.А.Янко-Триницкая ва бошқаларнинг асарлари.

Морфонологиянинг асосий тушунчалари: морфонема, морфологик позиция, кўшимча диструбуция.

Негиз турлари. Негизнинг хосил бўлиши, расмийлаштирилиши ва бўлиниши тушунчалари. Негизнинг бўлиниш даражалари.

Морфонологик воситалар. Акцент альтернациялар.

Алмашинув турлари. Ундош фонеманинг негиз охиридаги, унли фонеманинг негиз ичидаги алмашинуви.

Тилдаги морфологик ва тарихий жараёнлар. Тайёрловчи негизнинг қисқартирилиши. Морфемаларнинг тўлдирилиши. Тилдаги морфологик тизим ва тарихий жараёнларнинг ўзаро нисбати.

6.3.Рус тили ва адабиётини ўқитишда инновацион технологиялар.

Асосий педагогик технологиялар. Педагогик тизим педагогик технология асоси сифатида. “Педагогик технология” тушунчаси. Педагогик технология элементлари ва муҳим хусусиятлари. Замонавий педагогик технологияларнинг асосий фазилатлари. Педагогик технологиялар таснифи.

Билимни тўлиқ ўзлаштириш технологияси. Технологиянинг асосий ғоялари. Ўқув жараёнининг муҳим таърифлари. Турли даражадаги ўқитишнинг технологияси (даражали дифференциация технологияси-ДДТ).

Модуль ўқитиш технологияси (МЎТ). Таълим модули. Модуль тизими, унинг турлари. Модуль ўқитиш моҳияти, бошқа тизимлардан фарқи. Модуль дастур. Модуль дастурларни яратиш асосий принциплари. Модулларни кўллаш асосида технология вариантлари: модуль-рейтинг технологияси, муаммоли модуль ўқитиш технологияси.

Ўқитишнинг адаптив тизими(ЎАТ). Ўқитишнинг адаптив тизимининг ташкилий моҳияти (А.С.Гриницкая бўйича ЎАТ). Мустақил ишнинг ҳисобга олиш графиги.

Ўқув материалини схема ва белги моделлари асосида ўқитишнинг жадаллаштириш технологияси (В.Ф. Шаталов). Мунозара сифатида ўқитиш модели. Мунозара ўтказиш технологияси: мунозарага кириш, мазмундор тайёргарлик, бошқарув. Мунозаранатижаларига холоса чиқариш.

Ўқитишининг замонавий ахборот технологиялари. Технологиянинг таснифий параметрлари. Мақсадлар акценти. Концептуал ҳолат. Мазмун хусусиятлари. Методика хусусиятлари. Адабиёт ўқитишда ахборот технологияларини йўналишлари.

VII.Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўtkазиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларнита什килэтиш бўйича кўrsатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши(ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимотикуйидагитаркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Силлабус;
- Кейслар банки;
- Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишлисоҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз,8-жилд. – Т.:Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз,9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”.2011.-440 б.
5. Каримов И. А. Мечта о совершенном поколении. Сборник. – Т., 2004.
6. Каримов И.А. Каримов И.А. Узбекистан на пороге достижения независимости. – Ташкент, 2011.
7. Каримов И.А. Путь нашего народа – это путь независимости, свободы и глубоких реформ. – Ташкент: Узбекистан, 1996.
8. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент: Шарқ, 1997.
9. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана.- Ташкент: Marifat-Madadkot, 2001.

II. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.:Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. –218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVDматериаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”.
Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебноепособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув муроқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Белокурова С. П., Друговейко С. В. Русская литература. Конец XX века. Уроки современной русской литературы. – СПб.: «Паритет», 2001.
17. Буслакова Т. П. Современная русская литература: тенденции последнего десятилетия. – М.: Высшая школа, 2008.
18. История русской литературы XX века: В 4-х кн. Кн. 4: 1970 – 2000 годы. Под ред. Л. Ф. Алексеевой. – М.: Высшая школа, 2008.
19. Канунникова И. А. Русская драматургия XX века. – М.: Флинта: Наука, 2003.
20. Кременцов Л. П. Русская литература в XX веке. Обретения и утраты. – М.: Флинта: Наука, 2007.
21. ЛейдерманН.Л.,ЛиповецкийМ.Н. Современная русская литература. Книга 3. В конце века (1986- 1990-е годы) – М.: УРСС, 2001.
22. Нефагина Г.Л.Русская проза конца XX века. – М.: Флинта, 2003
23. Проза 1980 – 2000-х годов: Справочное пособие для филолога. Под ред. Т. А. Никонова – Воронеж: «Родная речь», 2003.

24. Скоропанова И. С. Русская постмодернистская литература. – М.: Флинта: Наука, 2002.
25. Черняк М. А. Массовая литература XX века. – М.: Флинта: Наука, 2007.
26. М.А.Черняк. Современная русская литература. – Санкт-Петербург – Москва. 2004.
27. Ксено́ва Г. Ю. Перспективные школьные технологии. – М., 2000.
28. Кудашева З.К., Магдиева С.С. Методика обучения литературе. – Ташкент, 2008.
29. Педагогические технологии. – Ростов на-Дону, 2002.
30. Технологии и методики обучения литературе. – М., 2011.
31. Аванесов Р.И. Фонологический статус долгих согласных в русском и белорусском языках. – М., 1999.
32. Бернштейн С.Б. Введение в славянскую морфонологию. – М., 1998.
33. Зализняк А.А. Русское именное словоизменение. – М., 1997.
34. УлухановИ.С. Закономерности сочетаемости словообразовательных морфем. – М., 1997.
35. Редькин В.А. Акцентология современного русского литературного языка. – М., 1997.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.Ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.nuuz.uz
5. www.bimm.uz

